



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

2020 yil « 16 » июль

№ 443

Toshkent sh.

“Рақамли Тошкент” комплекс дастури доирасида Тошкент шаҳрининг географик ахборот-таҳлил тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тошкент шаҳрида рақамли технологияларни кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 17 мартағи ПҚ-4642-сон қарори ижросини таъминлаш, шунингдек, “Рақамли Тошкент” комплекс дастури доирасида давлат органлари ва ташкилотларининг ўзаро электрон ҳамкорлигини йўлга қўйиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласди:

1. Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда “Рақамли Тошкент” комплекс дастури доирасида Тошкент шаҳрининг географик ахборот-таҳлил тизимини яратиш ишлари амалга оширилаётганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар:

“Рақамли Тошкент” комплекс дастури доирасида давлат органлари ва ташкилотларининг ўзаро электрон ҳамкорлиги тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага;

“Рақамли Тошкент” комплекс дастури доирасида Тошкент шаҳрининг географик ахборот-таҳлил тизимини жорий этиш режа-жадвали 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Бунда мазкур режа-жадвалда назарда тутилган тадбирлар тегишли давлат органлари ва ташкилотларининг ўз маблағлари ҳисобидан молиялаштирилиши белгилаб қўйилсин.

3. Давлат органлари ва ташкилотлари “Рақамли Тошкент” комплекс дастури доирасида Тошкент шаҳрининг географик ахборот-таҳлил тизимини жорий этиш режа-жадвалида белгиланган муддатларда давлат органлари ва ташкилотларининг ўзаро электрон ҳамкорлигини тартибга солишни назарда тутган ҳолда, технологик йўриқномалар ишлаб чиқилиши ва тасдиқланишини ҳамда режа-жадвалда белгиланган бошқа вазифалар тўлиқ, ўз вақтида ва сифатли амалга оширилишини ташкил этсинлар.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг маслаҳатчиси – IT-технологиялар, телекоммуникациялар ва инновацион фаолиятни ривожлантириш масалалари департаменти бошлиғи О.М. Умаров, Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазири Ш.М. Садиков ҳамда Тошкент шаҳар ҳокими Ж.А. Артиходжаев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири

А. Арипов



Вазирлар Маҳкамасининг
2020 йил “16” июлдаги 443-сон қарорига
1-илова

**“Рақамли Тошкент” комплекс дастури доирасида давлат органлари
ва ташкилотларининг ўзаро электрон ҳамкорлиги тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом “Рақамли Тошкент” комплекс дастури доирасида давлат органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотларнинг (кейинги ўринларда – давлат органлари ва ташкилотлари) ахборот тизимлари ва ахборот ресурсларида мавжуд бўлган Тошкент шаҳрининг географик ахборот-таҳлилий маълумотлари идоралараро ахборот алмашинуви ҳамкорлиги тизимидан фойдаланган ҳолда ахборот алмашиш тартибини белгилайди.

2. Мазкур Низомда қуйидаги тушунчалар қўлланилади:

ахборот ресурси – ахборот тизими таркибидаги электрон шаклдаги ахборот, маълумотлар банки, маълумотлар базаси;

ахборот тизими – ахборотларни тўплаш, сақлаш, қидириш, ишлаш ва улардан фойдаланиш имконини берадиган ахборот ресурслари, ахборот технологиялари ва алоқа воситаларининг ташкилий жиҳатдан тартибга солинган йифиндиси;

“Рақамли Тошкент” комплекс дастури доирасида Тошкент шаҳрининг географик ахборот-таҳлил тизими (кейинги ўринларда – “Рақамли Тошкент” геоахборот тизими) – давлат органлари, хўжалик бирлашмалари, бошқа идора ва ташкилотларнинг шаҳар муассасалари кесимидағи соҳага оид фазовий маълумотлари ва фазовий объектларининг атрибут маълумотлари, ахборот тизимлари, ахборот ресурслари ва бошқа ахборот манбаларидаги статистик маълумотларини ўзида жамловчи, таҳлил қилувчи ва қайта ишловчи ягона ахборот тизими;

идоралараро электрон сўров – давлат органлари ва ташкилотларининг маълумот бор бўлган бошқа давлат органлари ва ташкилотларга электрон шаклида юборилган маълумотни тақдим этиш тўғрисидаги талаби;

“Рақамли Тошкент” геоахборот тизимидан фойдаланувчилар – давлат органлари ва ташкилотларининг идоралараро электрон сўровларни юбориш ва ушбу сўровлар асосида тегишли маълумотларни тақдим этишга масъул бўлган мансабдор шахслари;

технологик йўриқнома – “Рақамли Тошкент” геоахборот тизими доирасида давлат органлари ва ташкилотларидан идоралараро электрон сўровлар орқали маълумотларни йиғиш ва қайта ишлаш бўйича ўзаро электрон ҳамкорлик тартиби, маълумотларга қўйиладиган талаблар, шакл ва муддатларини ифода этувчи, Ўзбекистон Республикаси Ахборот

технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан келишилган ҳолда Тошкент шаҳар ҳокимлиги билан биргаликда тасдиқланадиган идоравий ҳужжат.

3. Тошкент шаҳар ҳокимлиги “Рақамли Тошкент” геоахборот тизимини ишлаб чиқиш ва жорий этиш лойиҳаси буюртмачиси ҳисобланади.

4. Қуидагилар “Рақамли Тошкент” геоахборот тизими вазифалари ҳисобланади:

идораларо электрон ҳамкорлик тизимидан фойдаланган ҳолда давлат органлари ва ташкилотларининг ахборот тизимлари ва ресурслари ўртасида Тошкент шаҳри бўйича тегишли маълумотларнинг самарали алмашинувини таъминлаш;

давлат органлари ва ташкилотларидан маълумотларни тезкор йиғиш ва реал вақт режимида Тошкент шаҳрининг ижтимоий-иктисодий ривожланиш ҳолати мониторинг ва таҳлил қилинишини таъминлаш;

Ҳукумат, давлат органлари ва ташкилотларига маълумотларни самарали қайта ишлашда ўз вақтида ва келишилган идоралараро электрон ҳамкорликни таъминлаш орқали реал вақт режимида тезкор ва сифатли маълумотларга эга бўлиш имкониятини тақдим этиш;

ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланиш ва уларни татбиқ этиш, тезкор таҳлилий маълумотлардан самарали фойдаланиш орқали давлат органлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш.

5. “Рақамли Тошкент” геоахборот тизимининг асосий функцияси давлат органлари ва ташкилотлари ҳамда тегишли маълумотларни тақдим этадиган бошқа давлат органлари ва ташкилотлари ўртасида идоралараро электрон сўровларни юбориш, қайта ишлаш ва уларга жавоб юборишни таъминлашдан иборат.

2-боб. “Рақамли Тошкент” геоахборот тизимидан фойдаланиш

6. “Рақамли Тошкент” геоахборот тизими маълумотларни тақдим этиш тартиби ҳар бир давлат органлари ва ташкилотларининг ахборот тизимлари ва ахборот ресурсларидан келиб чиқиб, уларни “Рақамли Тошкент” геоахборот тизимига интеграция қилиш бўйича ишлаб чиқиладиган технологик йўриқномалар билан белгиланади.

Технологик йўриқномалар Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан келишилган ҳолда, “Рақамли Тошкент” геоахборот тизимига интеграция қилинадиган ахборот тизими ёки ахборот ресурси эгаси бўлган давлат органлари ва ташкилотлари томонидан тасдиқланади.

7. “Рақамли Тошкент” геоахборот тизими учун керакли маълумотнома ва классификаторлар “Электрон ҳукуматнинг маълумотномалар ва классификаторлар регистри” ахборот тизимида юритилади.

Бунда давлат бошқаруви органлари ҳамда маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ўзларининг ахборот тизимларида ва ахборот ресурсларида “Электрон хукуматнинг маълумотнома ва классификаторлар регистри” ахборот тизимида жойлаштирилган маълумотнома ва классификаторларидан фойдаланишлари шарт.

8. “Рақамли Тошкент” геоахборот тизими фойдаланувчиларининг вазифалари қўйидагилардан иборат:

а) Тошкент шаҳар ҳокимлиги:

“Рақамли Тошкент” геоахборот тизимига эгалик қиласи, унинг узлуксиз фаолият кўрсатишини таъминлайди, иқтисодий таҳлил ва прогнозлаш ишларида кенг фойдаланади;

“Рақамли Тошкент” геоахборот тизимида иштирок этувчи давлат органлари ва ташкилотлари жамланадиган ҳамда таҳлил этиладиган маълумотлар рўйхатини шакллантиради ва уларни тақдим этиш даврийлигини белгилайди;

б) давлат органлари ва ташкилотлари:

“Рақамли Тошкент” геоахборот тизими жамланиши белгиланган маълумотларни белгиланган рўйхатга ва муддатларга мувофиқ электрон ҳамкорлик орқали тақдим этади ёхуд тизимга доимий равишда киритишни таъминлайди;

тақдим этилаётган маълумотларнинг ишончлилиги, ҳаққонийлиги ва долзарблигини таъминлайди.

**З-боб. “Рақамли Тошкент” геоахборот тизими орқали
давлат органлари ва ташкилотларининг маълумотларини йиғиш,
қайта ишлаш ва таҳлил қилиш**

9. “Рақамли Тошкент” геоахборот тизими орқали давлат органлари ва ташкилотлари маълумотларини йиғиш, қайта ишлаш ва таҳлил қилиш ушбу Низом иловасига мувофиқ схема асосида амалга оширилади.

10. Давлат органлари ва ташкилотлари ўзларининг ахборот тизимлари ва маълумотлар базаларида мавжуд бўлган маълумотларнинг хатловдан ўтказилишини таъминлайди.

11. “Рақамли Тошкент” геоахборот тизимида жамланиши лозим бўлган маълумотларнинг давлат органлари ва ташкилотлари Тошкент шаҳар ҳокимлиги сўровига асосан тақдим этилишини таъминлайди.

12. Тошкент шаҳар ҳокимлиги “Рақамли Тошкент” геоахборот тизими билан идоралараро электрон ҳамкорлик қилиш талабларини ишлаб чиқиши орқали давлат органлари ва ташкилотларининг ахборот тизимлари ва маълумотлар базалари билан электрон ҳамкорликни босқичма-босқич амалга оширилишини таъминлайди.

13. Тошкент шаҳар ҳокимлиги давлат органлари ва ташкилотлари билан биргаликда тасдиқланган маълумотлар тўплами асосида маълумотларни “Рақамли Тошкент” геоахборот тизими орқали йигади ва таҳлил қиласди.

14. “Рақамли Тошкент” геоахборот тизими доирасида идоралараро электрон сўровларни юбориш, қайта ишлаш ва қабул қилишни автоматлаштириш учун давлат органлари ва ташкилотларнинг тегишли маълумот ва ахборотлар мавжуд бўлган ахборот тизимлари ва ресурслари, “Электрон хукумат” тизимининг ахборот тизимлари комплекслари ва марказлашган маълумотлар базалари билан интеграция қилинади.

15. Давлат органлари ва ташкилотлари томонидан сўраладиган маълумотлар ва ахборотлар рўйхати (кейинги ўринларда – рўйхат) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

16. Идоралараро электрон ҳамкорлик тизими орқали давлат сири ва қонун билан қўриқланадиган бошқа сирларни ўз ичига олган идоралараро электрон сўровлар ҳамда тегишли ҳужжатлар ва маълумотларни тақдим этишга йўл қўйилмайди.

4-боб. Идоралараро электрон ҳамкорликни амалга оширишда тегишли маълумотларни тақдим этувчи давлат органлари ва ташкилотларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

17. Идоралараро электрон ҳамкорликни амалга оширишда давлат органлари ва ташкилотлари рўйхатда белгиланган тегишли маълумотни “Рақамли Тошкент” геоахборот тизими доирасида бошқа ахборот тизимига тақдим этиш учун тегишли давлат органлари ва ташкилотлардан маълумотларни сўраш ва қабул қилиш ҳуқуқларига эга.

Давлат органлари ва ташкилотлари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

18. Давлат органлари ва ташкилотлари ахборот таъминотида “Рақамли Тошкент” геоахборот тизимидан фойдаланган ҳолда, ўзаро электрон ҳамкорликнинг технологик йўриқномага мувофиқлигини таъминлаш учун қуидагиларни амалга оширади:

ўз ахборот тизимлари ва ресурсларининг “Рақамли Тошкент” геоахборот тизимига интеграциясини таъминлаш бўйича веб-хизматларни ишлаб чиқади ҳамда уларнинг доимий ишчи ҳолатини таъминлайди;

“Рақамли Тошкент” геоахборот тизимида уланган ахборот тизимлари ва ахборот ресурсларининг дастурий ва техник воситаларини ишчи ҳолатини таъминлайди;

“Рақамли Тошкент” геоахборот тизимидан фойдаланган ҳолда маълумотларни қабул қиласди, таҳлил қиласди ва тақдим этади;

“Рақамли Тошкент” геоахборот тизимидан фойдаланган ҳолда тақдим этилаётган маълумотларнинг долзарблигини, тўғрилигини таъминлайди;

технологик йўриқнома талабларига мувофиқ маълумотларни белгиланган форматларда ва шаклда тақдим этади.

19. Идоралараро электрон ҳамкорликни амалга оширувчи давлат органлари ва ташкилотлари сўралган маълумотларни тўлиқ ҳажмда тақдим этишлари, шунингдек, уларнинг ишончлилигини таъминлашлари шарт.

20. “Рақамли Тошкент” геоахборот тизимидан фойдаланувчилар идоралараро электрон ҳамкорлик доирасида жўнатиладиган ва қабул қилинадиган ҳужжат ва маълумотларнинг белгиланган тартибда сақлашлари ва ҳимоясини таъминлашлари шарт.

21. Давлат органлари ходимларига идоралараро электрон ҳамкорлик орқали маълум бўлган маълумотларни, жисмоний шахснинг шахсий ҳаёти, юридик шахснинг фаолиятига доир маълумотларни, уларнинг ёзма розилигисиз, шунингдек, қонун ҳимоясидаги бошқа сир ва маълумотларни ошкор этишга йўл қўймасликлари керак.

6-боб. Якунловчи қоидалар

22. “Рақамли Тошкент” геоахборот тизимидан фойдаланувчилар давлат органларининг идоралараро электрон сўровлари юзасидан сўралган маълумотларни ўз вақтида тақдим этиш учун жавобгардир.

23. Идоралараро электрон ҳамкорликни амалга оширувчи давлат органлари “Рақамли Тошкент” геоахборот тизими орқали тақдим этиладиган маълумотларнинг ҳақиқийлигига жавобгардир.

24. Мазкур Низом талабларини бузганликда айбдор шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўлади.

“Рақамли Тошкент” комплекс дастури
доирасида давлат органлари ва ташкилотларининг
ўзаро электрон ҳамкорлиги тартиби тўғрисидаги
низомга илова

**“Рақамли Тошкент” геоахборот тизими орқали давлат органлари ва ташкилотлари
маълумотларини йиғиш, қайта ишлаш ва тахлил қилиш
СХЕМАСИ**

Босқичлар	Масъуллар	Чора-тадбирлар	Муддатлар
1-босқич	Давлат органлари ва ташкилотлари, Тошкент шаҳар ҳокимлиги	1. Ўзларининг ахборот тизимлари ва маълумотлар базаларида мавжуд бўлган маълумотларни хатловдан ўтказиш. 2. Тошкент шаҳар ҳокимлиги сўровига асосан “Рақамли Тошкент” геоахборот тизимида жамланиши лозим бўлган маълумотларни тақдим этиш.	икки ҳафта муддатда бир ой муддатда
2-босқич	Тошкент шаҳар ҳокимлиги, давлат органлари ва ташкилотлари, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги	“Рақамли Тошкент” геоахборот тизимида юритиладиган маълумотлар тўпламини шакллантириш ва тасдиқлаш. Бунда бир турдаги ахборотларни аниқлаш ва уларни ягона манбадан олинишини белгилаш.	икки ой муддатда
3-босқич	Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги	1. “Рақамли Тошкент” геоахборот тизими билан идоралараро электрон ҳамкорлик қилиш талабларини ишлаб чиқиш. 2. “Рақамли Тошкент” геоахборот тизимини ишлаб чиқиш. 3. “Маълумотларни бошқариш” ахборот тизимининг вазирлик ва идораларнинг ахборот тизимлари ва маълумотлар базалари билан электрон ҳамкорлигини босқичма-босқич таъминлаш.	бир ой муддатда 2020 йил октябрь 2020 йил декабрь
4-босқич	Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги	Тошкент шаҳрининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини тахлил қилиш борасидаги ҳисоботларни “Рақамли Тошкент” геоахборот тизимида шакллантириш ва реал вақт режимида олиш чораларини кўриш.	доимий

Вазирлар Маҳкамасининг
2020 йил “16” июлдаги 443-сон қарорига
2-илова

“Рақамли Тошкент” комплекс дастури доирасида
Тошкент шаҳрининг географик ахборот-таҳлил тизимини жорий этиш
РЕЖА-ЖАДВАЛИ

T/p	Маълумот номи	Амалга ошириш механизми ва шакли	Амалга ошириш муддати	Маълумотни қабул қиласидаган ташкилот	Маълумот тақдим этадиган ташкилот
I. Соғлиқни сақлаш соҳаси бўйича (2020 йил)					
1.	Куйидагиларни назарда тутувчи тиббиёт муассасаларидағи bemорлар сони тўғрисидаги маълумот: шифохона ўринларининг умумий сони, бўш жойлар сони; касалликларнинг турлари ва сони; тиббий хизмат кўрсатилган шахслар сони.	1. Электрон ҳамкорлик бўйича технологик йўриқномани ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. 2. Электрон ҳукуматнинг идоралараро маълумотлар узатиш тармоғига уланиш. 3. Электрон ҳамкорлик модулини (веб-сервис) яратиш. 4. Электрон ҳамкорликни йўлга қўйиш.	ноябрь ноябрь декабрь декабрь	Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги	Соғлиқни сақлаш вазирлиги
2.	Тиббиёт муассасалари томонидан кўрсатиладиган хизматлар рўйхати: хизмат турининг номи; хизматларнинг нархи.	1. Электрон ҳамкорлик бўйича технологик йўриқномани ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. 2. Электрон ҳукуматнинг идоралараро маълумотлар узатиш тармоғига уланиш. 3. Электрон ҳамкорлик модулини (веб-сервис) яратиш; 4. Электрон ҳамкорликни йўлга қўйиш.	ноябрь ноябрь декабрь декабрь	Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги	Соғлиқни сақлаш вазирлиги
3.	Тез тиббий ёрдам хизматининг статистик кўрсаткичлари, шунингдек, тез ёрдам автомашиналарининг харакатланиш дислокацияси.	1. Электрон ҳамкорлик бўйича технологик йўриқномани ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш; 2. Электрон ҳамкорлик модулини (веб-сервис) яратиш; 3. Электрон ҳамкорликни йўлга қўйиш.	июль август сентябрь	Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги	Соғлиқни сақлаш вазирлиги

Т/р	Маълумот номи	Амалга ошириш механизми ва шакли	Амалга ошириш муддати	Маълумотни қабул қиласидиган ташкилот	Маълумот таъдим этадидиган ташкилот
II. Таълим соҳаси бўйича (2020 йил)					
4.	Кўйидагиларни назарда тутувчи мактабгача таълим муассасаси фаолияти тўғрисида маълумот: жами ўринлар сони; бўш ўринлар сони; тарбияланувчилар сони; хизматларнинг нархи; жихозланиши; жихозларга эҳтиёж.	1. Электрон ҳамкорлик бўйича технологик йўриқномани ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. 2. Электрон хукуматнинг идоралараро маълумотлар узатиш тармоғига уланиш. 3. Электрон ҳамкорлик модулини (веб-сервис) яратиш. 4. Электрон ҳамкорликни йўлга кўйиш.	сентябрь сентябрь октябрь ноябрь	Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги	Мактабгача таълим вазирлиги
5.	Мактаб фаолияти тўғрисида маълумот: жами ўринлар сони; бўш ўринлар сони; ўқувчилар сони; хизматлар нархи; жихозланиши; жихозларга эҳтиёж.	1. Электрон ҳамкорлик бўйича технологик йўриқномани ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. 2. Электрон хукуматнинг идоралараро маълумотлар узатиш тармоғига уланиш. 3. Электрон ҳамкорлик модулини (веб-сервис) яратиш. 4. Электрон ҳамкорликни йўлга кўйиш.	октябрь октябрь ноябрь декабрь	Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги	Халқ таълими вазирлиги
6.	Олий ва ўрта маҳсус ҳамда касб-хунар таълими фаолияти тўғрисида маълумот: жами талабалар сони; давлат грантида таҳсил олаётган талабалар сони; тўлов шартнома асосида таҳсил олаётган талабалар сони.	1. Электрон ҳамкорлик бўйича технологик йўриқномани ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. 2. Электрон хукуматнинг идоралараро маълумотлар узатиш тармоғига уланиш. 3. Электрон ҳамкорлик модулини (веб-сервис) яратиш. 4. Электрон ҳамкорликни йўлга кўйиш.	август август сентябрь октябрь	Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги	Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги
III. Уй-жой коммунал хўжалиги соҳаси бўйича (2020 йил)					
7.	Иссиқлик энергияси ва иссиқ сувни ҳисобга олиш тўғрисида маълумот: маиший истеъмолчилар; юридик шахслар (ишлаб чиқариш); давлат идоралари.	1. Электрон ҳамкорлик бўйича технологик йўриқномани ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. 2. Электрон хукуматнинг идоралараро маълумотлар узатиш тармоғига уланиш. 3. Электрон ҳамкорлик модулини (веб-сервис) яратиш.	октябрь октябрь ноябрь	Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги	Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиши вазирлиги

Т/р	Маълумот номи	Амалга ошириш механизми ва шакли	Амалга ошириш муддати	Маълумотни қабул қиласидиган ташкилот	Маълумот тақдим этадиган ташкилот
		4. Электрон ҳамкорликни йўлга қўйиш.	декабрь		
8.	Табиий газни ҳисобга олиш маълумотлари: маиший истеъмолчилар; юридик шахслар (ишлаб чиқариш); давлат идоралари.	1. Электрон ҳамкорлик бўйича технологик йўриқномани ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. 2. Электрон ҳукуматнинг идоралараро маълумотлар узатиш тармоғига уланиш. 3. Электрон ҳамкорлик модулини (веб-сервис) яратиш. 4. Электрон ҳамкорликни йўлга қўйиш.	октябрь ноябрь декабрь декабрь	Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги	Энергетика вазирлиги, “Худудгазтаъминот” АЖ
9.	Электр энергиясини ҳисобга олиш маълумотлари: маиший истеъмолчилар; юридик шахслар (ишлаб чиқариш); давлат идоралари.	1. Электрон ҳамкорлик бўйича технологик йўриқномани ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. 2. Электрон ҳукуматнинг идоралараро маълумотлар узатиш тармоғига уланиш. 3. Электрон ҳамкорлик модулини (веб-сервис) яратиш. 4. Электрон ҳамкорликни йўлга қўйиш.	октябрь ноябрь декабрь декабрь	Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги	Энергетика вазирлиги, “Худудий электр тармоқлари корхоналари” АЖ
10.	Хонадонларнинг (уйларнинг) ичимлик суви билан таъминланганлиги тўғрисида маълумот.	1. Электрон ҳамкорлик бўйича технологик йўриқномани ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. 2. Электрон ҳукуматнинг идоралараро маълумотлар узатиш тармоғига уланиш. 3. Электрон ҳамкорлик модулини (веб-сервис) яратиш. 4. Электрон ҳамкорликни йўлга қўйиш.	октябрь октябрь ноябрь декабрь	Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги	Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиши вазирлиги, “Сувсоз” ДУК
11.	Хонадонларнинг (уйларнинг) канализация билан таъминланганлиги тўғрисида маълумот.	1. Электрон ҳамкорлик бўйича технологик йўриқномани ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. 2. Электрон ҳукуматнинг идоралараро маълумотлар узатиш тармоғига уланиш. 3. Электрон ҳамкорлик модулини (веб-сервис) яратиш. 4. Электрон ҳамкорликни йўлга қўйиш.	октябрь октябрь ноябрь декабрь	Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги	Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиши вазирлиги, “Сувсоз” ДУК

Т/р	Маълумот номи	Амалга ошириш механизми ва шакли	Амалга ошириш муддати	Маълумотни қабул қиласидиган ташкилот	Маълумот тақдим этадиган ташкилот
12.	Тошкент шаҳридаги ичимлик суви таъминоти ва канализация обьектлари тўғрисида маълумот: манзили ва жойлашуви; обьектларнинг қуввати; Тошкент шаҳри ахолисининг камров зоналари.	1. Электрон ҳамкорлик бўйича технологик йўриқномани ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. 2. Электрон хукуматнинг идоралараро маълумотлар узатиш тармоғига уланиш. 3. Электрон ҳамкорлик модулини (веб-сервис) яратиш. 4. Электрон ҳамкорликни йўлга кўйиш.	октябрь октябрь ноябрь декабрь	Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги	Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги
IV. Шахарсозлик, ер тузиш, картография ва кадастр соҳаси бўйича (2020 йил)					
13.	Курилаётган обьектларнинг сони тўғрисида маълумот: обьектнинг паспорти; обьектнинг координаталари (кенглик ва узунлик).	1. Электрон ҳамкорлик бўйича технологик йўриқномани ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. 2. Электрон хукуматнинг идоралараро маълумотлар узатиш тармоғига уланиш. 3. Электрон ҳамкорлик модулини (веб-сервис) яратиш. 4. Электрон ҳамкорликни йўлга кўйиш.	сентябрь октябрь ноябрь декабрь	Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги	Курилиш вазирлиги
14.	Кўчмас мулк обьектлари ҳақидаги геоахборот: обьект тури (туар жой ва нотурар жой); манзилнинг номи; манзили ва жойлашув координаталари (кенглик ва узунлик).	1. Электрон ҳамкорлик бўйича технологик йўриқномани ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. 2. Электрон хукуматнинг идоралараро маълумотлар узатиш тармоғига уланиш. 3. Электрон ҳамкорлик модулини (веб-сервис) яратиш. 4. Электрон ҳамкорликни йўлга кўйиш.	сентябрь октябрь ноябрь декабрь	Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги	“Давергеодезка-дастр” кўмитаси
15.	Ер тўғрисида маълумот: тадбиркорлик учун мўлжалланган бўш ер участкалари; ерлардан фойдаланишининг белгиланган асосий мақсадига кўра тоифалари.	1. Электрон ҳамкорлик бўйича технологик йўриқномани ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. 2. Электрон ҳамкорлик модулини (веб-сервис) яратиш. 3. Электрон ҳамкорликни йўлга кўйиш.	июль сентябрь октябрь	Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги	“Давергеодезка-дастр” кўмитаси

Т/р	Маълумот номи	Амалга ошириш механизми ва шакли	Амалга ошириш муддати	Маълумотни қабул қиласидиган ташкилот	Маълумот тақдим этадиган ташкилот
16.	Савдога қўйилган бўш турган ва фойдаланилмаётган давлат мулки обьектлари тўғрисида маълумот: сотилган; сотовуга қўйилган/қўйилмаган; обьектнинг координаталари (кенглик ва узунлик).	1. Электрон ҳамкорлик бўйича технологик йўриқномани ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. 2. Электрон ҳукуматнинг идоралараро маълумотлар узатиш тармоғига уланиш. 3. Электрон ҳамкорлик модулини (веб-сервис) яратиш. 4. Электрон ҳамкорликни йўлга қўйиш.	июль август август сентябрь	Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги	Давлат активларини бошқариш агентлиги

V. Ижтимоий таъминот ва фуқаролик бўйича (2020 йил)

17.	Тошкент шаҳрида доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинган ёки вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олинган шахслар сони тўғрисидаги маълумот.	1. Электрон ҳамкорлик бўйича технологик йўриқномани ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. 2. Электрон ҳамкорлик модулини (веб-сервис) яратиш. 3. Электрон ҳамкорликни йўлга қўйиш.	июль август сентябрь	Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги	Ички ишлар вазирлиги
18.	Бандлик ва ишсизлик тўғрисидаги маълумотлар: штат жадвалидаги ишчилар сони; бўш иш ўринлари сони; ходимларнинг тоифалари (лавозимлари); ходимларнинг малакаси.	1. Электрон ҳамкорлик бўйича технологик йўриқномани ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. 2. Электрон ҳамкорлик модулини (веб-сервис) яратиш. 3. Электрон ҳамкорликни йўлга қўйиш.	июль август сентябрь	Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги	Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги
19.	Пенсия ва нафақа олувчилар тўғрисида маълумот: пенсия ва нафақа олувчилар сони; нафақа олувчиларнинг турлари / тоифалари; пенсия ва нафақаларни тўлаш режаси; тўлов тури бўйича микдор.	1. Электрон ҳамкорлик бўйича технологик йўриқномани ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. 2. Электрон ҳамкорлик модулини (веб-сервис) яратиш. 3. Электрон ҳамкорликни йўлга қўйиш.	июль август сентябрь	Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги	Молия вазирлиги хузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамгармаси

Т/р	Маълумот номи	Амалга ошириш механизми ва шакли	Амалга ошириш муддати	Маълумотни қабул қиласидиган ташкилот	Маълумот тақдим этадиган ташкилот
20.	Ногиронлар ва ногиронлик гурухлари сони тўғрисида маълумот: ногиронлар сони; ногиронлик гурухлари.	1. Электрон ҳамкорлик бўйича технологик йўриқномани ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. 2. Электрон ҳамкорлик модулини (веб-сервис) яратиш. 3. Электрон ҳамкорликни йўлга қўйиш.	август сентябрь октябрь	Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги	Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Республика тиббий ва ижтимоий экспертиза инспекцияси
21.	Кам таъминланган оилалар сони тўғрисида маълумот.	1. Электрон ҳамкорлик бўйича технологик йўриқномани ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. 2. Электрон ҳамкорлик модулини (веб-сервис) яратиш. 3. Электрон ҳамкорликни йўлга қўйиш.	июль август сентябрь	Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги	Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Молия вазирлиги, Махалла ва оилани кўллаб-куватлаш вазирлиги
22.	Ишсизлик нафақалари тўғрисида маълумот: нафақа олувчиilar сони; нафақа тўлаш режаси; тўланган нафақалар миқдори.	1. Электрон ҳамкорлик бўйича технологик йўриқномани ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. 2. Электрон ҳамкорлик модулини (веб-сервис) яратиш. 3. Электрон ҳамкорликни йўлга қўйиш.	июль август сентябрь	Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги	Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги
23.	ФХДЁ бўлими ҳакида маълумот: рўйхатдан ўтган никоҳлар сони; ажралишлар сони; туғилганлар сони; вафот этганлар сони.	1. Электрон ҳамкорлик бўйича технологик йўриқномани ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. 2. Электрон ҳамкорлик модулини (веб-сервис) яратиш. 3. Электрон ҳамкорликни йўлга қўйиш.	июль август сентябрь	Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги	Адлия вазирлиги
VI. Солиқ ва ташқи иқтисодий фаолият соҳаси бўйича (2020 йил)					
24.	Юридик шахс тўғрисида маълумот: юридик шахснинг СТИРи; юридик шахснинг номи;	1. Электрон ҳамкорлик бўйича технологик йўриқномани ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.	июль	Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Ахборот технологиялари ва	Давлат солиқ қўмитаси, Давлат статистика қўмитаси,

T/р	Маълумот номи	Амалга ошириш механизми ва шакли	Амалга ошириш муддати	Маълумотни қабул қиласидиган ташкилот	Маълумот тақдим этадиган ташкилот
	юридик шахс мақоми; давлат рўйхатига олиш манзили; юридик шахснинг давлат рўйхатидан ўтказилган санаси; юридик шахс тутатилган сана; юридик шахснинг мулкчилик шакли; юридик шахснинг мулкчилик шакли; юридик шахснинг шакллари; юридик шахснинг маъмурий-худудий бўлиниши обьектларини белгилаш тизими; юридик шахснинг рақами (ИФУТ); юридик шахснинг КТУТ рақами.	2. Электрон ҳамкорлик модулини (веб-сервис) яратиш. 3. Электрон ҳамкорликни йўлга қўйиш.	август сентябрь	коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги	(Юридик шахсларнинг марказий маълумотлар базаси)
25.	Патент тўғрисида маълумотлар: патент рақами; патент фаолиятининг тури.	1. Электрон ҳамкорлик бўйича технологик йўриқномани ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. 2. Электрон ҳамкорлик модулини (веб-сервис) яратиш. 3. Электрон ҳамкорликни йўлга қўйиш.	август сентябрь октябрь	Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги	Давлат солиқ қўмитаси
26.	Кичик тадбиркорлик субъектлари тўғрисида маълумот: сони; фаолият тури.	1. Электрон ҳамкорлик бўйича технологик йўриқномани ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. 2. Электрон ҳамкорлик модулини (веб-сервис) яратиш. 3. Электрон ҳамкорликни йўлга қўйиш.	август сентябрь октябрь	Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги	Давлат статистика қўмитаси, Давлат солиқ қўмитаси
27.	Солиқ бўйича қарздорлик мавжудлиги ёки йўклиги тўғрисида маълумот: қарздорларнинг сони;	1. Электрон ҳамкорлик бўйича технологик йўриқномани ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.	июль	Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Ахборот технологиялари ва	Давлат солиқ қўмитаси

T/р	Маълумот номи	Амалга ошириш механизми ва шакли	Амалга ошириш муддати	Маълумотни қабул қиласидиган ташкилот	Маълумот тақдим этадиган ташкилот
	қарз миқдори.	2. Электрон ҳамкорлик модулини (веб-сервис) яратиш. 3. Электрон ҳамкорликни йўлга қўйиш.	август сентябрь	коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги	
28.	Солиқлар ва бошқа тўловлардан тушадиган даромад миқдори: йирик солиқ тўловчилар; кичик тадбиркорлик субъектлари; бюджет ташкилотлари ва бошқалар.	1. Электрон ҳамкорлик бўйича технологик йўриқномани ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. 2. Электрон ҳамкорлик модулини (веб-сервис) яратиш. 3. Электрон ҳамкорликни йўлга қўйиш.	август сентябрь октябрь	Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги	Давлат солиқ қўмитаси
29.	Электрон кооперация портали (cooperation.uz) тўғрисида маълумотлар: - тузилган шартномалар сони; - шартномаларнинг умумий суммаси; - иштирокчилар сони; - маҳсулотлар тури, сони ва бошқа очик маълумотлар.	1. Электрон ҳамкорлик бўйича технологик йўриқномани ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. 2. Электрон ҳукуматнинг идоралароро маълумотлар узатиш тармоғига уланиш. 3. Электрон ҳамкорлик модулини (веб-сервис) яратиш. 4. Электрон ҳамкорликни йўлга қўйиш.	июль август август сентябрь	Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги	Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги
30.	Худудлар бўйича ташки иқтисодий фаолият тўғрисида маълумотлар: экспорт ҳажми; импорт ҳажми; экспорт қилувчилар сони; импорт қилувчилар сони; экспорт қилинадиган товарларнинг турлари; импорт қилинадиган товарларнинг турлари; манзили ва жойлашуви.	1. Электрон ҳамкорлик бўйича технологик йўриқномани ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. 2. Электрон ҳамкорлик модулини (веб-сервис) яратиш. 3. Электрон ҳамкорликни йўлга қўйиш.	июль август сентябрь	Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги	Давлат статистика қўмитаси, Давлат божхона қўмитаси
31.	Туманлар кесимида Тошкент шаҳрида аҳоли сони тўғрисида маълумот.	1. Электрон ҳамкорлик бўйича технологик йўриқномани ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.	август	Тошкент шаҳар ҳокимлиги,	Давлат статистика қўмитаси

T/р	Маълумот номи	Амалга ошириш механизми ва шакли	Амалга ошириш муддати	Маълумотни қабул қиласидиган ташкилот	Маълумот тақдим этадиган ташкилот
		2. Электрон ҳамкорлик модулини (веб-сервис) яратиш. 3. Электрон ҳамкорликни йўлга қўйиш.	сентябрь октябрь	Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги	
32.	Туманлар кесимида кредитлар тўғрисида маълумот: берилган кредитлар сони; кредитлар тури; кредитлар миқдори.	1. Электрон ҳамкорлик бўйича технологик йўриқномани ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. 2. Электрон ҳамкорлик модулини (веб-сервис) яратиш. 3. Электрон ҳамкорликни йўлга қўйиш.	август сентябрь октябрь	Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги	Марказий банк

VII. Транспорт ва йўлсозлик соҳаси бўйича (2020-2021 йиллар)

33.	Автотураргоҳ ҳакида тафсилотлар: тўхташ жойлари сони; объект координаталари (кенглик ва узунлик); хизматлар нархи.	1. Электрон ҳамкорлик бўйича технологик йўриқномани ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. 2. Электрон ҳамкорлик модулини (веб-сервис) яратиш. 3. Электрон ҳамкорликни йўлга қўйиш.	2020 йил июль 2020 йил сентябрь 2020 йил октябрь	Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги	Тошкент шаҳар ҳокимлиги
34.	Рўйхатдан ўтган транспорт воситалари тўғрисида маълумот: жисмоний шахслар; юридик шахслар: транспорт воситаларининг тоифалари; транспорт воситаларининг сони.	1. Электрон ҳамкорлик бўйича технологик йўриқномани ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. 2. Электрон ҳамкорликни йўлга қўйиш.	2020 йил август 2020 йил сентябрь	Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги	Ички ишлар вазирлиги
35.	Йўл-транспорт ҳодисаси тўғрисида маълумот: ҳодисалар сони; сабаблари;	1. Электрон ҳамкорлик бўйича технологик йўриқномани ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. 2. Электрон ҳамкорлик модулини (веб-сервис) яратиш. 3. Электрон ҳамкорликни йўлга қўйиш.	2020 йил сентябрь 2020 йил октябрь	Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини	Ички ишлар вазирлиги

T/р	Маълумот номи	Амалга ошириш механизми ва шакли	Амалга ошириш муддати	Маълумотни қабул қиласидиган ташкилот	Маълумот тақдим этадиган ташкилот
	ҳодиса юз берган жой коордианаталари (кенглик ап узунлик); вокеалар натижалари.		2020 йил декабрь	ривожлантириш вазирлиги	
36.	Жамоат транспорти ҳақида маълумот: автобусларнинг ҳаракати; жамоат транспорти тури; маршрут йўналишлари; транспорт воситаларининг сони; йўловчилар сони.	1. Маълумотларни мужассамлаштирувчи платформа ишлаб чиқиш. 2. Электрон ҳамкорлик бўйича технологик йўриқномани ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. 3. Электрон ҳукуматнинг идоралараро маълумотлар узатиш тармоғига уланиш. 4. Электрон ҳамкорлик модулини (веб-сервис) яратиш. 5. Электрон ҳамкорликни йўлга кўйиш.	2020 йил декабрь 2021 йил январь 2021 йил февраль 2021 йил март 2021 йил апрель	Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги	Транспорт вазирлиги, “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ, “Тошшаҳартранс-хизмат” АЖ
VIII. Жамоат хавфсизлиги соҳаси бўйича (2020 йил)					
37.	Фуқаролиги бўлмаган шахслар ва хорижий фуқаролар тўғрисида маълумот: фуқаролиги бўлмаган шахслар сони; хорижий фуқаролар сони.	1. Электрон ҳамкорлик бўйича технологик йўриқномани ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. 2. Электрон ҳамкорлик модулини (веб-сервис) яратиш. 3. Бир марталик сўровнома асосида электрон ҳамкорликни йўлга кўйиш.	июль сентябрь октябрь	Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги	Ички ишлар вазирлиги
IX. Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳаси бўйича (2020 йил)					
38.	Муҳофаза этиладиган табиий худудлар тўғрисида маълумот: объектлар сони; объектларнинг турлари; манзил ва жойлашув координаталари (кенглик ва узунлик).	1. Электрон ҳамкорлик бўйича технологик йўриқномани ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш; 2. Электрон ҳукуматнинг идоралараро маълумотлар узатиш тармоғига уланиш. 3. Электрон ҳамкорлик модулини (веб-сервис) яратиш.	июль август сентябрь	Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги	Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси

T/р	Маълумот номи	Амалга ошириш механизми ва шакли	Амалга ошириш муддати	Маълумотни қабул қиласидиган ташкилот	Маълумот тақдим этадиган ташкилот
		4. Электрон ҳамкорликни йўлга қўйиш.	октябрь		
39.	Экологик вазият ҳақида маълумот.	1. Электрон ҳамкорлик бўйича технологик йўриқномани ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. 2. Электрон ҳукуматнинг идораларо маълумотлар узатиш тармогига уланиш. 3. Электрон ҳамкорлик модулини (веб-сервис) яратиш. 4. Электрон ҳамкорликни йўлга қўйиш.	июль август сентябрь октябрь	Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги	Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси, Гидрометеорология хизмати маркази
40.	Ҳавога ифлослантирувчи моддалар чиқарилиши ҳақида маълумот.	1. Электрон ҳамкорлик бўйича технологик йўриқномани ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. 2. Электрон ҳамкорлик модулини (веб-сервис) яратиш. 3. Электрон ҳамкорликни йўлга қўйиш.	июль сентябрь октябрь	Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги	Гидрометеорология хизмати маркази
X. Маданият соҳаси бўйича					
41.	Маданий ва кўнгилочар объектлар, шунингдек, сайёхлик жойлари тўғрисида маълумот: объектлар сони; объектларнинг турлари; манзили ва жойлашув координаталари (кенглик ва узунилк).	1. Электрон ҳамкорлик бўйича технологик йўриқномани ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. 2. Электрон ҳамкорлик модулини (веб-сервис) яратиш. 3. Электрон ҳамкорликни йўлга қўйиш.	июль сентябрь октябрь	Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги	Маданият вазирлиги

Изоҳ.

- Географик ахборот-таҳлил тизимига реал вақтда узатиладиган маълумотларнинг маркиби тегишили технологик йўриқномаларда белгиланади.
- Тошкент шаҳрининг географик ахборот-таҳлил тизимининг ишлами учун зарур бўлган маълумотлар рўйхати Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳамда Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириши вазирлигининг қўйишга орорлари билан тўлдирилиши ва ўзгартирилиши мумкин.

